
Оталиққа олинган ёшлар Фавқулодда вазиятлар вазири кубоги учун ўтказилаётган спорт мусобақаларида беллашди

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ташаббуси билан маҳалла ёшлари ўртасида соғлом турмуш тарзини тадбиқ этиш, уларни қутқарувчи касбига қизиқтириш, ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва бўш вақтларини мазмунли ўтказишга қаратилган спорт мусобақалари ҳамда кўрик танловлар ўтказилмоқда.

"Юртнинг кучи - бирликда, қадрли эса тинчликдадир!" шиори остидаги ана шу мусобақаларнинг Ўзбекистон туман босқичи туман ёшлар ишлари бўлими ва фавқулодда вазиятлар бўлими ҳамкорлигида ташкилланди.

Спорт баҳсларида фавқулодда вазиятлар бўлимига бириктирилган 2-сектор ҳудудидаги маҳаллаларда яшовчи оталиққа олинган ёшлар иштирок этиб, 4 та шарт бўйича ўзаро беллашдилар.

Натижаларга кўра, 1-ўринни "Дўстлик" МФЙ, 2-ўринни "Қумбости" МФЙ ва 3-ўринни эса "Наймансой" МФЙ ёшлари эгаллашди.

Мусобақалар якунида унинг фаол иштирокчилари ташкилотчилар томонидан муносиб рағбатлантирилди.

2024-10-04 18:55:24